

ИЖТИМОЙ ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕДИЦИНСКОЙ СОЦИОЛОГИИ

CURRENT ISSUES OF MEDICAL SOCIOLOGY

*Sodiqova Sh.M.– sots.f.dok., professor
O‘zbekiston Xalqaro Islom akademiyasi*

*Eryigitova L.A.- sots.f.f.d. (PhD)
<https://orcid.org/0000-0003-1110-2136>
Central Asian Medical University*

Sodiqova Sh.M., Eryigitova L.A. (2025). ИЖТИМОЙ ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. Actacam, 9(9), 212–219. <https://doi.org/10.5281/zenodo.15151515>

Аннотация. Муаллифлар ушбу мақолада тиббий этиканинг ҳозирда мавжуд моделлари ва бугунги кундаги айрим муаммоларига доир масалаларни таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар. Мақолада тиббий этиканинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига оид баъзи масалаларида фикрларини баён қилиш билан бирга тиббий этика соҳасидаги моделларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиб берганлар.

Калит сўзлар. комилликка интилиш, ахлоқий қарашлар, этик фазилат, дианоэтик қарашлар, ахлоқ тамойиллари, умуминсоний қадриятлар бардавомлиги, касб этикаси, “касб сири”, тиббий этика моделлари, тиббий маданият.

Аннотация: В данной статье авторы попытались проанализировать действующие модели медицинской этики и некоторые их проблемы на сегодняшний день. В статье они проанализировали уникальные аспекты моделей в области медицинской этики, а также высказали свои мнение по некоторым вопросам связанным с ролью и значением медицинской этики в жизни общества.

Ключевые слова. стремление к совершенству, нравственные взгляды, этическая идеи, дианоэтические взгляды, социальные взгляды, принципы нравственности, устойчивость общечеловеческих ценностей, профессиональная этика, «тайна профессии», модели медицинской этики, медицинская культура.

Abstract: In this article, the authors tried to analyze the current models of medical ethics and some of their problems today. In the article they analyzed the unique aspects of models in the field of medical ethics, and also expressed their opinions on some issues related to the role and significance of medical ethics in the life of society.

Key words: striving for perfection, moral views, gift of virtue, ethical virtue, dianoetic views, social views, principles of morality, stability of universal human values, professional ethics, “secret of the profession”, models of medical ethics, medical culture.

Кириш: Этика - сўзи юнонча etos ахлоқ, одат, характер маъноларини билдириб, у ахлоқнинг фалсафий тадқиқ этилишидир. Этика сўзини илк бора антик давр файласуфи Аристотель мулоқотга киритган. У ахлоқ йўналишини битта тизимга солиб фан сифатида ўрганган. Буюк алломанинг фикрича, “этика – бу ахлоқнинг жамият ҳаётида, одамларнинг ўзаро муносабатларидаги мавжуд қоидаларнинг одат ва анъаналари, ҳулқидир” [1].

Юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш иши жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Комилликка интилаётган юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қилаётган одам бугунги кунда ҳам кўп машаққатларга дуч келади, ҳаётнинг оғир синовларидан ўтишга мажбур бўлади. Унинг негизида ҳаётга қарама-қарши ёндашувларнинг

мавжудлиги, эзгулик ёвузлик, адолат ва адолатсизлик каби ҳолатларнинг ёнма – ён яшаши ётади. Бунга эътиборимизни қаратсак, икки хил ҳаётий эзгу ва ҳолис ишлар билан халққа наф етказишни ўйлайдиган инсонлар ҳамда ўзининг нафс қайғуси, ҳузур ҳаловатини ўйлаб енгил – елпи умр кечирадиган одамларга хос ҳаётий қарашларни ажратиб, бу икки дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамларнинг қадим даврларданоқ ўйлантириб келаётгани, унга турли миллат ва эътиқодга мансуб мутафаккирлар, файласуфлар жавоб излагани, кўплаб асарлар яратганини, бу саволларнинг бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Айнан шу йўналишда қадимги юнон файласуфларидан бири бўлган Аристотелнинг учта асари бағишланган [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили: Аристотелнинг фикрича, ахлоқий фазилатларни муҳокама этишда шунга эътибор бериш керакки, “ҳар қандай илмда ва ҳунарда қандайдир мақсад бўлади, айнан анашу мақсад неъмат ҳосил қилишни кўзда тутуди. Барча фазилатлар, неъматлар учун умумий бўлган асос мақсад – олий неъмат мавжуд” [3]. Аристотель инсон фазилатларини иккига ажратади: этик ва дианоэтик фазилатлар. Масалан, саҳийлик ва тийиклилик – этик фазилатлар Донолик, ақллилик, ва эс-ҳушини йиғиш фазилатлари одатлардан пайдо бўлади. Дианоэтик фазилатлар асосан таълим, тажриба асосида шаклланади ва маълум вақт ўтишини тақозо қилади. Аристотель билдирган мулоҳазалар шуни кўрсатадики, у ахлоқ тушунчаларини ўрганишга ўз даври ижтимоий муҳитидан келиб чиқиб ёндашади. Унинг баъзи мулоҳазаларига қўшилиб бўлмайди. Аммо, ахлоқий фазилатлар орасида замон ўзгаришига қараб ўз мазмун, моҳиятини йўқотмаган, асрлар синовидан ўткан барча даврлар учун бирдек аҳамият касб этиб, инсон маънавий киёфасини белгилайдиган ахлоқий фазилатлар уларни ифода этувчи тушунчалар борки, уларнинг илмий ва амалий кадр – қиммати замонни танламайди, абадий мавжуд умуминсоний қадриятлар сифатида сақланади, янги авлодлар учун муҳим маънавий куч бўлиб қолаверади. Айнан анашундай масалани муҳокама этгани билан Аристотелнинг ахлоқий таълимоти қадрланади.

Тадқиқот методологияси: Ахлоқ ва маданият, касб одобиди ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки, инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабатлар бир томондан ҳамкасблар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан у касб талабига биноан учрайдиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларида бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак.

Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталишимиз жоиз. Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт – мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч маъсулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Хусусан, тиббиёт ходимларини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир амалиётида кунига бир неча кишини ҳаётга қайтаради, юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Бордию, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилса, яъни, уни қасдан ҳалок қилсачи? Ким бундай бўлмаслигини қафолатлайди? Шу боисдан бошқа ҳамманинг ҳам қўлидан келмайдиган ишларни бажарадиган фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суйистеъмом қилиш сингари иллатларга қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, қадимги юнон ҳакими Гиппократ томонидан тузилиб, эрамиздан аввалги V-IV асрлардан буён мавжуд бўлиб келаётган, қисқа ва лўнда шаклда тузилган айтиш мумкин ўзига хос ахлоқ кодекси кўринишидаги қасамёд матнини эслашимиз мумкин.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Гиппократ қасамёди қисқа ва лўнда тузилган, тиббиёт ходимлари касбий одобни, қонун қоидалари жамланган машҳур “Гиппократ

қасами” ҳозирга қадар шифокорларда касбий этикасини шакллантиришнинг муҳим кўриниши ҳисобланади. Тарихда ўз душманини ҳам даволаган кўплаб шифокорлар ўтганлиги маълум. Улар касб маъсулиятини ва этикасини ҳар нарсадан муҳим билганлар. Чунончи, қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна” [4] да (эрадан аввалги иккинчи минг йиллик) яраланиб беҳуш ётган Лакшман бошида турган девлар шохининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Бу қадимий эпосда ёзилишича, табиб олдида иккита йўл туради: бири салтанат душманига мухтож бемор сифатида ёрдам кўрсатиш; иккинчи йўл даволашдан бош тортиб, уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазалардан кейин, табиблик одоби қоидалари талабига кўра бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади. Унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, интизор, фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатга мухтож заиф инсон ётади. Даволаниб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиаҳди Индиржини жангда ҳалок этади, ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин китобхон табибни хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасорати ва ҳалоллигига, касбий бурчига содиқлигига ҳайрат билан тасаннолар ўқийди. Яна бир мисол, машҳур рус олими академик А.Сахаровнинг тақдирини олайлик, буюк назариётчи физик, термоядро соҳасидаги тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси Ватан мудофаасини мустаҳкамлаш хизматлари учун кўплаб орден медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Меҳнат қахрамони, обрўли бадавлат бу инсонга нима етишмас эди? Нега у ҳаммасидан кечишга – оммавий қирғин қуроллари ўзи яратган водород бомбаси синовларига очик баёнотлари билан қарши чиқишга аҳд қилди. Натижада қатағонларга асосланган давлат - шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, чекка шаҳарлардан бирига бадарға қилишди, ёзган китоблари тақиқланди. Ваҳоланки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Бироқ, Сахаров юксак ахлоқ йўлини танлади – олимлик бурчи, одоби талабларини ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд кўрди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳуқуқи бўлмиш-яшаш ҳуқуқига раҳна солиши мумкинлиги учун уни амалда қўлланилишига ҳаракат қилаётган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этилишига бошига беҳисоб тўхматлар, таъна – дошномлар ёғдиришига сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъдодини қўғирчоқ бўлишга, ҳарбий мурруватга айланишга йўл қўймади. Охир оқибатда у инсон ҳуқуқларининг жаҳон тан олган буюк инсоният таҳсинига сазовар бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари (муаллимлик одоби, ҳуқуқ – тартибот соҳаларида) ҳар – хил касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Яна шу жиҳати борки, барча касбий одоб қонун қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хилда эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб ахлоқсизликка айланиб кетади. Балки, касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундандир. Юқоридагилардан аёнки, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганларидек, ахлоқшуносликнинг майда масалалари эмас, уни ҳар томонлама ўрганиш касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тўлиқ тадқиқ этиш XXI аср этикасида муҳим ўрин эгаллаган. Зеро, касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий тарзда намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин.

Тиббиёт этикаси ҳам этиканинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу одоб нормалари ва касб мажбуриятлари борасидаги тушунчалар ҳисобланади. Шу билан бирга тиббиёт этикаси касбий ахлоқни ўргатиш асносида шифокорни мафкуравий шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Замонавий ғоялар бўйича тиббиёт этикаси куйидаги жиҳатларни ўз ичига олади: илмий бўлим- тиббиёт фанлари, ахлоқий ўрганиш ва ахлоқий жиҳатлар – бу тиббиёт ходимларининг тиббий ахлоқ қоидалари ва меъёрларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Тиббиёт этикаси ривожига ватандошимиз, буюк табиб ва аллома Ибн Сино катта ҳисса қўшган. Унинг “Тиб қонунлари“ асари тиббий амалиётнинг ўзига хослиги, мазкур касбнинг индивидуал хусусиятларини, бетакрор шарафи ва юксак маъсулиятини очиб берган [5]. Тиббиёт билан боғлиқ касб этикасида яна шундай ҳолатни кузатишимиз мумкинки, мазкур

этика моҳияти ва мақсади, миллат ва давлат, ирқ ёки ижтимоий - сиёсий мансублик танламайди. Масалан АҚШ да 1847 йилдаёқ Тиббий Ассоциация ўзининг I – Ахлоқ Кодексини қабул қилган. Буюк Британияда эса илк бора шифокорлик ахлоқи масалаларини кўрсатиб берган ҳуқуқий ҳужжат Бирлашган қироллик парламентининг “Артекария тўғрисидаги қонуни” қабул қилиниши билан бошланган. Шу асосида 1815 йилдан тиббий касб тартибга солина бошланди.

Халқаро Тиббиёт Ассоциацияси томонидан ҳам бугунги кунда тиббий этика масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг фаолиятида таъкидланганидек, тиббий ахлоқ бу шифокорнинг муҳим жиҳати бўлиб бу аввало сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиётга оид ахлоқий, маърифий муаммоларни ҳамкорликда бартариф этиш, соғлиқни сақлаш тизими доирасида инсон ҳуқуқлари масаласидаги вазиятларни ўрганиш мақсадида 2003 йилда Халқаро Тиббиёт Ассоциацияси таркибида “Этика Қўмитаси” тузилган. Бундан мақсад тиббий ахлоқ билан боғлиқ йўналишда ёрдам кўрсатиш, халқаро миқёсда шу доирадаги ташкилотлар билан алоқаларни кучайтириш, шифокорларга амалий ёрдам кўрсатиш, илмий – амалий анжуманлар ташкил этиш, маърифий дастурлар ташкил этиш, шу йўналишда сайтлар очиш. Мазкур халқаро ташкилот халқаро доирада ҳамкорлик ва алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва тиббий этика борасида долзарб ҳисобланган масалаларни ечимида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тиббий этика айниқса ёш шифокорларга идентификация қилиш ва рационал қарорлар қабул қилиш малакасини шаклланиши ҳамда қарор қабул қилинишида муҳим ўрин тутаяди. Шунингдек, тиббий этика жамиятдаги қонунлар билан ҳам боғлиқ. Баъзан қонун доирасидан ташқари ахлоқ доирасида ишлашга ҳам тўғри келади. Тиббиёт бир пайтнинг ўзида фан, ҳам санъатдир. Илмий йўналиш сифатида тиббиёт жуда мураккам муаммоларни ўрганиш соҳасидир. Яна тиббиётда унинг илмийлик қисми нимани кузатиш ва ўлчаш мумкинлиги билан боғлиқ. Тажрибали шифокор касалликни аломатидан билади, ҳамда беморни қандай даволаш бўйича йўланагн режа асосида ишни ташкил этади. Аммо тиббий илм бир вақтнинг ўзида, айниқса инсоннинг индивидуаллиги, маданияти, дини, ҳуқуқлари, эркинликлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ ҳолда ўз чегараларига эга. Тиббиёт санъат сифатида тиббий фанлари ютуқлари ва технологиясини индивидуал беморларга, оилаларга ва жамоаларга қўллашни ўз ичига оладиган ноёб ва бетакрор фандир. Турли беморлар ва жамоалар ўртасидаги кўплаб фарқлар физиологик эмас. Шунинг учун гуманитар ва ижтимоий фанлар, шу жумладан этика фани ҳам салмоқли рол ўйнайди. Шубҳасиз ахлоқнинг ўзи бошқа соҳадан кўп нарсани олади чунки, масалан ролларни драматиклаштириш, муаммонинг моҳиятини қуруқ тасвирлашдан кўра ҳақиқий вазиятдан анча самарали бўлиши мумкин. Бу борада Ибн Сино фаолиятидан мисол келтириш мумкин. Ибн Сино беморга муносабатда алоҳида ёндашув зарурлиги ҳақида тўхталиб, шундай фикр билдирган: “...табиб доимо ёдда тутмоғи зарурки, ҳар бир инсоннинг ўзига хос табиати бор. Кимдир бошқа билан бир хил табиатга эга бўлиши кам учрайди ёки умуман мумкин эмас. Сўз катта аҳамиятга эга, бу нафақат нутқ маданиятини, балки, хушмуомлалик, туйғусини, беморни кайфиятини кўтариш қобилиятини ҳам англайди. Шифокор бепарволик билан, эҳтиётсизлик билан унга шикаст етказмаслиги даркор” [6].

Ҳозирда Тиббиёт этикасининг қуйидаги моделлари мавжуд:

1. Гиппократ модели. – “Зарар берманг” шиоридаги модел сифатида тарқалган ушбу модел Гиппократнинг шифокорликнинг антик давр тамойилидан келиб чиққан. Гиппократнинг қасамёди-шифокорнинг олдида турган бурчларини шакллантириб берган. Бугунга келиб Гиппократ яшаган даврдан буён кўп вақт ўткан бўлсада, бу қасамёд ўз долзарблигини йўқотган эмас, балки, ўткан узоқ давр ичида кўплаб ахлоқ борасидаги қонидаси, кўплаб ахлоқ борасидаги қонидалар шаклланишига эталон бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

2. “Парацельс модели” – бу модел ҳам кенг тарқалган модел бўлиб, “Яхшилик қил”-шиорига таянади.

“Parasels”- лотинча сўз бўлиб, ёнида, атрофида сўзидан келиб чиққан бўлиб, “Цельсга яқин” маъносида қўлланилади. Бу тиббий термин қадимги римлик энциклопедист олим ва шифокор, ўз даврининг зукко кишиси тиббиётдаги изланишлари билан машҳур бўлган

Цельсга ўхшатишган Парацельс исми билан боғлиқ. Германиянинг Зальсбург шахрида яшаган Филипп Авреол Геофраст Вомбаст фон Гогендейм ўз даврида “Парацельс” номи билан машхур эди. У алкимёгар, файласуф, шифокор ва табиатшунос сифатида танилган. Замондошлари уни ўрта асрлар давридаги кўзғолончи Мартин Лютерга солиштиришган. Чунки, Парацельс номи билан танилган бу олим ислохатлар тарафдори эди. Хусусан, Парацельс тиббиёт фанлари ва амалиётининг реформатори эди. У ўз даврида қадимги тиббий ғояларни қайта кўриб чиқиб ўз изланишларини олиб борган, кимёвий моддаларнинг тиббиётга киритишга ва қўлланилишига ҳисса қўшган замонавий илм-фан асосчиларидан бири ҳисобланади. Парацельс жарроҳлик ва терапия асосларини яхши билган, доришунослик бўйича доктор унвонига эга бўлган. Унинг “Фалсафа”(1534), “Яширин фалсафа”(1533), “Буюк астрономия”(1530) каби асарлари ва натурфилософияга оид ғоялари машхур. Мазкур асарларида ва ғоявий қарашларида Парацельс тиббий этика билан боғлиқ ўз қарашларини ҳам баён этиб, шифокорлик касб маданияти ва ахлоқига доир ғоялар жамият ҳаётида ўз ўрнига эга жиҳатларни асослаб бергани билан кўпчилиكنинг эътиборини тортган эди. Парацельснинг уйғониш давридаёқ кўплаб шогирдлари бўлиб улар европанинг турли мамлакатлари шифокор, файласуф, фармацевт, протестант диншунослари эди. Ҳатто кейинчалик Швеция қироли Эрик XIV нинг ўғли ва собиқ хизматкори Густав кенг билимли шогирди сифатида танилган, ҳамда “Иккинчи Парацельс” номини олган. 1941 йилда Швецияда Парацельс номида мукофот таъсис этилган. 1970 йилда ойдаги кратерлардан бири уни номи билан аталиши қабул қилинган [7]. Парацельснинг тиббиёт этикасига оид қарашларида Гален ва Ибн Синонинг қарашларидаги ўхшашликлар бор, аллома ўзигача бўлган давр табибларининг қарашларини янги даврда ривожлантиришга ҳисса қўшди [8].

“Парацельс модели”да “Гиппократ модели” дан фарқли шифокорнинг бемор билан ижтимоий муносабати ҳақида фикрлари баён этилади. Унинг фикрича шифокор беморнинг ижтимоий ишончини қозониши лозим. Бундай ижтимоий жараён “патернализм” – деб номланиб у ўз таркибига шифокор ва беморнинг ҳиссий ва руҳий мулоқотига эътибор қаратишни талаб қилади [9]. Ўша давр руҳида шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатлар руҳий устоз ва янги бошловчи шогирд ўртасидаги муносабатларга ўхшайди, чунки, христианликда руҳоний тушунчаси худога тааллуқлидир. Шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатларнинг бутун моҳияти шифокорнинг ахлоқи билан белгиланади. Ўз навбатида ҳар қандай вазият юқоридан – худодан келади деб таъкидлаган бу модел тарафдорлари. У яна ўрта асрлар тиббиётидаги ҳукмрон ҳолатга қарама – қарши бошқа тамойилларни илгари сурган. Булар:

1. Шифокор бемори ҳақида доим у тузалиб кетгунига қадар қайғуриши керак;
2. Шифокор иккиюзламачи, ёлғончи, енгилтабиат бўлмай, ҳақиқатгўй ва ахлоқли бўлиши шарт;
3. Шифокор ўз касбини талабларини ва ахлоқий мажбуриятларини билиши ва чин дилдан бажариши лозим.
4. Шифокорнинг энг катта ва самарали дармон бу меҳр – мурувват;

Мазкур йўналишлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Айниқса бу модель ҳозирда Европа иттифоқига аъзо давлатларда кенг тарқалган.

Тиббиёт этикасидаги кейинги модель бу – “деонтология модели” ҳисобланади. Мазкур модель асосида “шифокорнинг касбий бурчига садоқат этикаси” ётади. Мазкур моделда аввало шифокорларнинг ахлоқ қоидаларига боғлиқ бўлган қоидаларга амал қилиши; мавжуд социумдаги талаб – тартибларга риоя қилиш, шифокорнинг ахлоқ маданияти масалаларига таянади. Иккинчидан, бу моделда шифокорликнинг турли йўналишларида мавжуд “Ахлоқ кодекс”лари ҳақида сўз боради. Бу қоидаларга амал қилмаслик оқибати, шифокорнинг жазоланиши ҳақида сўз боради.

Замонавий тиббий этикада “Биоэтика” йўналишидаги “Инсон ҳуқуқлари ва кадр – қимматини ҳурмат қилиш” модели ҳам мавжуд. Бунда замонавий тиббиёт фанлари - тиббиёт, биология, генетика, биотиббий технологиялар бугунги кунда ирсиятни бошқариш муаммосигача яқинлашди ва инсонлар ҳаёти ва ўлимини тўқималар даражасида башорат

қилишга эриша олди. Шу боисдан ҳам, ҳозирда беморларнинг шахсини ҳурматлаш, унинг танлаш қарорини ҳурматлаш, ахборот (касаллик ва даволаш усули ҳақида) олиш ҳуқуқини биоэтика соҳасини ижтимоий институт сифатида масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишга А.Ф.Кон XX аср бошларидаёқ юрист, судья, давлат ва жамоат арбоби сифатида катта ҳисса қўшган. А.Ф.Кон ҳуқуқ, фалсафа, тиббиёт, психология соҳаларида ўз мамлақати ва халқаро миқёсида чуқур билиши билан бирга ўз изланишлари орқали шифокорлик касбининг маънавий – ахлоқий тамойилининг муҳим йўналиши бўлган-“шифокор сири” тамойилини ишлаб чиқди [10]. У ўзининг мазкур йўналишдаги асарида тиббий этиканинг бир қатор масалаларини – шифокорнинг бемор ва унинг қариндошлари; оиладаги ахлоқий мажбуриятларини, умидсиз ҳолатлар беморни ўлимини тезлаштириши мумкинлиги кабиларини таҳлил қилган, ўрганган. А.Ф.Кони ўзининг фундаментал тадқиқотларида шундай ёзади: “...шифокор доимий маъсулият ҳиси билан яшайди, у ўз беморларининг касалликдан азобланишига маълум бир даражада шерик бўлади, ўз бемори касалликдан тузалгунга қадар ўша касалликни юктириб олиш хавфида яшайди. Бу катта жасорат. Шу боис шифокор этикасини бошқариш мураккам ижтимоий жараён” [11].

Инсоният ўзининг учинчи минг йиллигига бир қатор глобаллашган муаммолар билан қадам қўйди. Глобаллашган муаммолар орасида ахлоқ билан боғлиқ муаммолар ҳам бор. Тиббий этикада ҳам анашу масалаларга боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Булар:

1. Эвтаназия
2. Абортлар
3. Контрацепциялар
4. Сунъий уруғлантириш
5. Суррагат оналик.
6. Ятрогения
7. Инсон органларининг трансплантацияси
8. Тиббий – хизмат кўрсатиш чегараси.

Мазкур муаммоларни қуйидагича таҳлил қилишимиз мумкин: эвтаназия – бу юнонча evos-яхши, tranatos - ўлим сўзларидан олинган бўлиб, “яхши ўлим” маъносини билдиради. Ҳозирги давр тушунчасида мазкур термин чорасиз ва ўлими яқин беморнинг даволаш имконияти йўқ ҳолатида, онгли равишдаги ҳаракати деб тушуниш мумкин. Шифокорларнинг маънавий ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилишга уриниш ҳолатидир.

XVI асрнинг таниқли файласуфи Ф.Бэкон ўз замонасида эфтаназияни “азобли ўлим”-деб атаган эди. Дунёнинг кўп мамлакатлари тиббиётида эфтаназия ҳозирда қонуний ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда эса бу ҳолат таъқиқланган.

Илк бор эфтаназия ҳолати II-жаҳон уруши даврида европада кенг тарқалган. Германия нацистларида эса ҳаттоки “Т-4” махсус дастури ишлаб чиқилган. Ҳозирда ҳам бунга ўхшаш дастурлар баъзи мамлакатлар тиббиётида руҳий беморларга нисбатан мажбурий қўлланилади. Ўзбекистонда буни фақат айрим турда касалланган хайвонларгагина қўллаш кўзда тутилган. Эфтаназия ҳолати расман фақат Нидерландияда легал ҳисобланади. Эфтаназиянинг актив, пассив, ихтиёрий, мажбурий, тўғридан – тўғри турлари мавжуд.

XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан, тиббиёт фанлари тараққий этиши билан эфтаназия муаммоси долзарблашди. Айниқса, бедаъво касалликларни даволашда суъний нафас бериш, қон айланиши, сунъий буйрак ва турли дори-дармонлар яратилди. Айни шу даврда эфтаназиянинг классификация яратилди. Улар ичида пассив, фаол, ихтиёрий ва мажбурий турлари кенг тарқалган. Мазкур турлар бўйича бахс – мунозаралар давом этмоқда. Ўзбекистонда бу таъқиқланганлиги боис қаттиқ назоратга олинган.

Тиббиёт этикасида ҳозирда кенг тарқалган ахлоқ муаммоларидан бири бу аборт масаласидир. Бизнинг давримизда аборт ҳолатини тиббиётда инсоннинг репродуктив имкониятларига тиббиётнинг аралашуви, деб қараш маълум. Аборт ҳолатлари оммавий характер касб этиб, унинг ахлоқий юридик баҳоси ўзгариб бормоқда. Республикамиз тиббиётида қандай ҳолатда аборт қилиш мумкинлигини ҳукумат қарорлари билан белгилаб қўйилган. Бу ҳолат аввало тиббий ҳулоса ва тиббий кўрсаткичлар талаблари бўйича қилинади.

Бугун шифокор аборт қилишдан бош тортиши мумкинлиги белгиланган. Аммо бу борада ҳам бажарилиши мумкинлиги керак бўлган ҳолатлар мавжуд. Шифокорлар бундай вазиятларда абортни истаган аёллар билан индивидуал суҳбат ўтказиши ва аёлларни аборт қилдириш фикридан қайтариши ҳолатлари ҳам учрайди. Тиббиётда абортнинг 86 тури мавжуд бўлиб, 14 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида уни ўтказилишининг ўз сабаб ва талаблари бор. Болалар ва одам савдоси, туғиш ва ўлим ҳолатларини белгилаш билан боғлиқ ноқонуний хужжатлаштиришни олдини олиш мақсадида абортнинг 9 та турига хусусий клиникаларда ўтказилишига руҳсат берилмаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аборт ҳолатлари камайиб бормоқда. Статистик маълумотларга мурожаат қилсак қуйидагича вазиятни кўришимиз мумкин: Аёлларнинг исталмаган туғруқ билан боғлиқ аборт ҳолатлари агар 2007 йилда 42682 та бўлган бўлса, 2021 йилда бу 35449 тага камайган. Агар 2007 йилда абортлар ҳар 100 тага 7,4 тага тўғри келган бўлса, 2021 йилда бу 4,1 тага қисқарди. [12]. Аналитик таҳлиллар шуни кўрсатадики, бундай камайишларнинг асосий омили ва мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва аҳолининг яшаш даражасидаги сифатни яхшиланишидир.

Тиббиёт этикасида қадим замонларданок шахс қадр қиммати, унинг касалликлар билан боғлиқ ҳолати унинг ҳоҳиш истақлари ҳурмат қилинган. XX аср уфқида келиб инсоният ген инженериясини ихтиро қилиши билан тиббиётда янги даврни очиб берди. Аммо мазкур кашфиёт шу билан бирга мазкур йўналиш билан боғлиқ янги муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Бу йўналишларда бугунги кунда генетик олимлар, файласуфлар, сиёсатчилар, социологлар, шифокорлар ечим топиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд Улар:

- генетик популяцияни барча кўламини қамраб олиш керакми?
- генетик диагностика абортга асос бўладими?

- беморнинг оғриши керак бўлган касаллик ҳақида унга аввалдан огоҳлантириш шифокорлик этикасига мувофиқ келадими?

- одам органлари бозорига “эҳтиёт қисмлар” етказиб беришда ген инженерияси шифокор этикасига мосми?

- генетик тадқиқотларни оиланинг ҳар бир аъзоларига етказиш мумкинми?

Бугун шифокор этикаси билан боғлиқ муаммолар орасида инсон органларини кўчириб ўтказиш – трансплантация билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Инсон органлари трансплантацияси – бу бугунги кунда тиббиётда кенг тарқалган амалиёт бўлиб, ўз фаолиятини йўқотган одамларнинг органларини кўчириб ўтказиш ҳолатидир. Трансплантациянинг ҳам классификацияси бор. Улар асосан 3 та турда мавжуд:

1. аутотрансплантация – бу трансплантациянинг битта организм ичидаги амалиёти ҳисобланади.

2. гомотрансплантация – бу трансплантациянинг битта тур ичидагисидир.

3. нейтротрансплантация – бу трансплантациянинг турли турлари ичида амалга оширилиши лозим бўлган туридир.

Трансплантологияда бугун ахлоқ принципининг “зарар келтирма” тамойилига амал қилиши лозим бўлган тури кенг тарқалган бўлиб, бунда донор тирик одам бўлиши мумкин. Органлар трансплантациясида XX асрга келиб, тиббиётдаги реанимация, транспотологик технологиядан биоэтик муаммосига айланиб бормоқда. Бугунги кунда инсон ўлимининг асосий белгиси инсон миясининг ўлими деб тан олинган. Инсон мияси эса алмаштирилмайдиган орган ҳисобланади. Инсон органлари трансформацияси билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда биоэтикада баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда. Сунъий яратилган органлар бўлса ҳам бу амалиёт аввало беморларнинг розилиги билан амалга ошириш зарур. Кўпинча бу борада донор органларнинг етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларда инсон органлари энг қиммат товар бўлиб қолмоқда.

Хулоса: Демак, хулоса сифатида айтсак, тиббиёт этикаси - бу этиканинг фалсафий интизоми бўлиб, унинг тадқиқот объекти ахлоқий ва клиник тиббиёт амалиётини ҳамда тегишли илмий тадқиқотларини таҳлил қиладиган амалий ахлоқ ҳисобланади. Тиббий этиканинг ривожидида Гиппократ қасамёидан ҳозирга қадар мавжуд бўлган ҳуқуқий норматив

хужжатлардан 1947 йилда қабул қилинган Нюренберг кодекси, 1964 йилда қабул қилинган Хельсинки Декларациясининг алоҳида ўрни бор. Сўнгги йилларда генларни таҳлилашдан фойдаланган ҳолда касалликларни даволаш, касалликни олдини олиш ва даволашга қаратилган ген таҳлилашнинг янги усулларини қўлланилишининг келажак авлодга ижтимоий таъсири ҳақида муҳим ахлоқий саволлар туғдирмоқда, қолаверса бу масала ҳали ҳануз мунозарали бўлиб қолмоқда. Тиббиёт этикаси тарих давомида ривожланишида ва ўзгаришда давом этар экан, ҳам фалсафа, тарих, ва социология соҳасидаги илмий тадқиқотларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, у эфтаназия, бемор ҳолатининг маҳфийлиги, касалликдан хабардор қилишликка розилик ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги манфаатлар тўқнашуви каби низолар билан боғлиқ. Бундан ташқари, тиббий этика ва маданият ҳам ўзаро бир – бири билан боғлиқдир. Чунки, турли маданиятлар ахлоқий қадриятларни турлича амалга оширадilar, баъзида оилавий қадриятларга кўпроқ эътибор берилади ва автономиянинг аҳамиятини пасайтиради. Бу касалхоналар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида сезгир, маъсулиятли ва касб этикасини яхши англаган шифокорларга бўлган эҳтиёжни ортишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арасту “Ахлоқи Кабир”- Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-
2. Тошкент; 2018, 350 бет.
3. Арасту. “Евдем этикаси”, “Катта этика”, “Никомах этикаси” Тошкент, “Маънавият”, 2009,
4. Ўша ерда, 137 - бет
5. Рамаёна: древнеиндийский эпос, сюжет и значение. Росс. общ. знание.
6. “Илм – фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили” Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз етакчи илм – фан намоёндалари билан учрашуви.”Маърифат“ газетаси 2016 йил 31 декабрь, №104
7. Ибн Сино “Тиб қонунлари “1- китоб, Бош.редак..Т.З.Зоҳидов, Маъсул муҳаррир А.Асқаров Тошкент; “Фан” 2019,
8. www.hrorori қаралди: 2024 йил, 20 ноябрь,
9. Шекольфорд Жоле. “Философская дорога медицины Парацельсиана“
10. Москва; 2014
11. Новая философская энциклопедия. Москва; 2003,
12. А.Ф.Кон. “К материалам о врачебной этике”, Москва; изд. “Наука”, 2009,
13. ўша ерда, 137 - бет
14. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти. <http://web.stat.uz/opros/>